



MILLIY TIKLANISH

27 (296)

2014 йил 16 июль, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимиз табиати, бой табиий ресурсларини асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш борасидаги вазифаларни бажаришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади



Швейцария референдумлар мамлақати сифатида ном қозонган. Статистика маълумотларига қараганда, дунё миқёсида ҳар учта референдумдан бири айнан мазкур мамлакатда ташкил этилмоқда



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Бухоро шаҳри ҳам ана шундай ўзгаришлар натижасида тамомил янгича қиёфа касб этди



4 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

8 КЎЗГУ



Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Тараддуд



Парламент эшитуви

Келажагимиз эгаларига бугуннинг эътибори

ЎзМТДП ташаббуси билан соҳадаги саъй-ҳаракатлар муҳокама этилди

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг мактабгача таълим тизимини янада ривожлантиришга доир ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Истиқлол — кенг имкониятлар, ўзликни англаш бахти

партия тadbирларида ана шу ғоя тарғиботига алоҳида эътибор қаратилади

Мустақиллик... Халқимиз орзиқиб кутган асрий орзулар рўёби, ҳур қунлар шукронаси, Она юртимизни юксак марраларга етаклаган улугъ неъмат шодийёнаси! Мустақиллик туйғайли бугун юртимиз жаҳон мамлакатлари орасида ўз ўрни, ўз номи ва айтар сўзига эга бўлди. Халқимиз ўзи орзу қилган ҳурлик тантанасига эришиб, барча соҳаларда эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда, оиласи фаровон, фарзандлари баркамол улғайиб, тинчлик, осойишталик замонида умргузаронлик қилмоқда. Айни дамда мамлакатимизда бизга ана шундай буюк неъматларни инъом этган истиқлол байрамини кенг нишонлашга катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг қўшма йиғилиши ҳам айни шу мақсадда ташкил этилди. ЎзМТДП Марказий Кенгаши ҳамда фракция аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва вилояти ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақил-

лигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқиб, партия ва фракция олдида турган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллигига бағишлаб "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шiori остида ўтказиладиган тadbирлар режаси кўриб чиқилди.

2-бет



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур парламент эшитувида мактабгача таълим муассасаларининг бугунги кундаги фаолияти, аҳоли, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, кўзда тутилаётган режалар, "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасидаги саъй-ҳаракатлар, соҳанинг қонун-

чилик базаси ва уни ижро этиш ҳолати ҳамда бу борадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутовчи масалалар муҳокама этилди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида таълимни тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим босқичлари амалга оширилиб, моҳиятан ҳеч қайси бир давлатда мавжуд бўлмаган узлуксиз таълим тизими шакллантирилди.

2-бет

Иқроп

Мен нега "Миллий тикланиш"ни танладим?

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ҳаётга ичкилик билан татбиқ этилишида сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳам алоҳида ўрни бор. Ёшларнинг истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ёш авлодни турли ёт ғояларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш борасида партия томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар эътиборга молик.

"Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар - ёшлар нигоҳида" интеллектуал кўриктанловининг минтақавий босқичи ўтказилди. Хоразм вилоят Кенгашининг "Сарбон" жамоаси сафида ушбу танловда иштирок этиб, ғолиб бўлганимдан хурсандман. Таъкидлаш жоизки, ушбу танлов ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини ошириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мен бўлажак тарихчи олим сифатида аждодларимизнинг ўтмишда инсоният тамаддуни ривожига нечоғлик улкан ҳисса қўшганликларидан фахрланиб, уларга муносиб бўлишга интилаяман. Бу туйғу мени Ватаним ободлиги йўлида бор куч-ғайратимни ишга солишга ундайди. Айниқса, бу борада Президентимизнинг Самарқандда ўтказилган "Урта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқларидаги долзарб фикрлар бу соҳада илмий тadbиротлар олиб бориш борасидаги мақсадимни янада мустаҳкамлади. Юртдошларимиз онгиди мамлакатимиз ўтмиши, бугунги кун ва келажаги учун фахрланиш туйғусини шакллантиришга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор дастурий мақсадларидан бири эканлиги у таланаган йўлнинг истиқболи порлоқ эканлигидан даролазидир.

Озодбек РАЖАБОВ,
ЎзМТДП Хоразм вилоят Кенгаши фаоли

Фракция ҳаёти

Янги қонун лойиҳалари

уларда ЎзМТДП фракциясининг таклифлари ўз аксини топмоқда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда фракция аъзолари дастлаб "Микрокредитлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилишди. Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасининг мақсади молиявий ресурслардан фойдаланишни энгиллаштириш орқали кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Яъни, унга мувофиқ, кредит бюортмасини кўриб чиқиш мuddати ун иш кунидан уч иш кунига қисқартирилиши кўзда тутилмоқда.

4-бет

Бугун юртимизнинг ҳар бир гўшасида, шаҳару қишлоқларда истиқлол нашидаси кезмоқда. Утаётган ҳар бир кунимиз энг улугъ энг азиз байрам — мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигига тобора яқинлаштирмоқда.

Банк кўмаги

асосида кулолчилик ривожланиб, янги иш ўринлари яратилмоқда



MIKROKREDITBANK

Бугун юртдошларимиз юзу кўзида бахтиёрлик балқмоқда, ўз турмушидан рози бўлиб яшаш ҳисси намоён бўлмоқда. Халқимиз бунёдкорлик, яратувчанлик туйғуси билан яшайпти. Бунда, албатта, тadbиркор ва ҳунармандлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Боиси, ҳамюрти, ҳамкишлогининг тadbиркорликда эришадиган ютуқларини кўриб, уларга ҳавас қилиб бу соҳага қўл ураётганлар ҳам талайгина.

6-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





Истиқлол — кенг имкониятлар, ўзликни англаш бахти

партия тadbирларида ана шу гоё тарғиботиға алоҳида эътибор қаратилади

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов сўзга чиқиб, мустақиллик байрамига пухта тайёргарлик партия гуруҳлари фаолиятини ошириш масалаларига эътибор қаратди:

— Мамлакатимиз ҳаётида ўтган сўнгги 23 йил тарихан қисқа давр бўлса-да, Президентимиз раҳнамолигида асрларга татигулик ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сийсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда улкан натижаларга, ижобий ўзгариш ва янгиланишларга эришди. Хусусан, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 қарра ошгани, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани ва бошқа шу каби кўрсаткичлар истиқлол инъом этган улкан натижалар сифатида ҳар биримизга фахр-ифтихор бағишлайди. Бугун тинчлик, осойишталик, хотиржамлик ҳукм сураётган юрда халқимиз фидокорона меҳнати, матонатини ва юксак салоҳияти билан ўзининг буюк келажагини яратмоқда. Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳор-оқибат ва бағрикенглик каби олжановар фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш таъминоти мустаҳкамланди. Шунингдек, миллий қадрият, аёнана ва урф-одатларимизни, маънавий бойликларимиз ва тарихий-маданий меросимизни асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва бойитиш имкониятига эга бўлди. Шу маънода истиқлол шодиданлари ҳар биримизга, айниқса, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларига ўзгача гуруҳ ва ифтихор бағишлайди. Бойси, партияимиз мустақилликни мустаҳкамлаш, миллий ўзликни сақлаш, мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одат ва аёнана-ларини, бой тарихий, маданий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилишни ўзининг асосий мақсад-вазифаларидан деб билади. Шундай экан, энг улуг, энг азиз аёёмни муносиб нишонлашда партияимиз янада фаол бўлиши, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлади.

Эътироф этиш керакки, Президентимиз қароридан келиб чиқиб, партияимизнинг "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида ўзлашадиган тadbирлар режаси ишлаб чиқилди. Мазкур дастур Президентимиз қароридан белгиланган мақсад-вазифаларни, миллий тикланиш гоёсини ўз ичига олган ҳолда, шунингдек, партияимиз мақсад-муддаолари асосида, янги лойиҳа ва форумлар кўринишида тайёрланди. Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўлмали ишлар, бунёдкорлик ишлари ва яратувчанлик гоёларини кенг тарғиб қилиш, "Ким эдигу ким бўлдиқ?" деган ҳаётий ҳақиқатни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига синдириш гоёси тadbирларимиз мазмун-моҳиятида ўз аксини топишига эътибор қаратилди. Шунингдек, ҳудудий партия ташкилотларимиз, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларимизнинг мустақилликни муносиб нишонлашдаги фаолиятини ошириш нуктаи назаридан уларга ҳам вазифалар юқлатилди. Хусусан, партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари ўзларининг тadbирлар режасини ишлаб чиқиб, истиқлол шодиданларида фаол иштирок этишлари лозим, - деди партия етакчиси.

Дарҳақиқат, Президентимиз Каро-

рида белгиланган вазифалар ЎзМТДП Дастури ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қарорда ҳам, партия дастурий мақсадларида ҳам миллий ўзига хослигимизни сақлаган ҳолда буюк келажақни яратиш, яқин ўтмишимизда халқимиз бошидан кечирган оғир дaмлар мисолида бугунги осойишта ва фаровон кунларнинг қадрига етиш, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва меҳор-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, доимо хушёр ва оғоҳ бўлиб яшаш каби гоёлар муҳимдир.

— Кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида мамлакатимиз эришган ютуқ ва марралар, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини юртимиз аҳолиси-га етказиш уларнинг истиқлол қадриятларини чуқур англашида муҳим ўрин тутди. - деди тadbирда сўз билан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси раҳбари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев. — Шундай экан, режалаштирилаётган барча тарғибот тadbирлари, давра суҳбатлари, учрашув ҳамда мулоқотларни ноанъанавий усул ва воситалардан фойдаланган ҳолда содда ва самимий тарзда ўтказишимиз лозим. Тadbирларда фракцияимиз аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, мустақил тараққиёт йилларида барча соҳалардаги ҳуқуқий асослари мустаҳкамлангани, ҳуқуқий ислохотлар, қонунчилик тизимидаги ўзгариш ва янгиланиш юртимиз раванқига хизмат қилаётгани, шунингдек, партия сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, партияимиз ҳамда фракцияимиз томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда.

Шунингдек, тadbирда фракция аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоят Кенгашиларидаги партия гуруҳлари аъзолари ҳамда партия Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари мустақилликни муносиб нишонлашда партияимизнинг иштироки билдиришди. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига бағишланган партиявий тadbирлар, учрашув ва суҳбатларда ЎзМТДПнинг асосий гоёси бўлган илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритилган ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётий омилларини очиб бериш муҳим эканлиги таъкидланди. Бундан ташқари партия наشري ҳисобланган "Миллий тикланиш" газетаси ҳамда партия веб-сайтида мақолалар танловини ўтказиш, мустақилликни тараннум этишчи видеоролик ҳамда кичик қўлланмалар тайёрлаш, шунингдек, жойлардаги тарғибот гуруҳларига

Олим ЎСАРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги йилгида таъкидланганидек, мустақилликимизнинг 23 йиллигини нишонлашда партияимиз ҳамда фракцияимиз, шунингдек, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларимиз ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётиб, мақсадга мувофиқ бўлади. Истиқлол берган имкониятларни аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида кенг тарғиб этишда ҳар биримиз ўз йўналишимиз ҳамда ваколатимиздан келиб чиққан ҳолда ёндашимимиз мумкин. Шунингдек, партия нашри ва веб-сайтида ташкил этиладиган мустақилликка бағишланган рунларда ўз мақолаларимиз билан иштирок этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз талаб этилади.

Марҳабо ҚУРБОНОВА,
халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига
ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Президентимиз қароридан белгиланганидек, партиявий тadbирларимизда "Ким эдигу ким бўлдиқ?" деган гоёни кенг тарғиб қилинишига эътибор қаратишимиз лозим. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда 31 август — Қатагон қурбонлари кунини сифатида белгиланган. Партияимизнинг истиқлол тантаналарига тайёргарлиги ва уни ўтказишдаги иштироки борасида тўхталар эканмиз, ушбу кунни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак. Зеро, қатагон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз бугунги хур кунларимиз орзусида жон фидо қилган. Қолаверса, қатагонга учраган Бехбудий, Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби маърифатпарварларимиз илгари сурган гоёлар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мақсад-вазифаларига мос ва ҳамохандир.

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Парламент эшитуви

Келажагимиз эгаларига бугуннинг эътибори

ЎзМТДП ташаббуси билан соҳадаги саъй-ҳаракатлар муҳокама этилди



Мақтабгача таълим муассасалари (МТМ) тизимини ривожлантириш, болаларни мақтабгача таълим муассасаларига жалб этиш, мақтабга тайёрлаш масалалари таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди. Зеро, Президентимиз "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарида таъкидлаганларидек, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Шу маънода мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш учун, энг аввало, қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратилди. Хусусан, мақтабгача таълим муассасалари соҳасидаги муносабатлар "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 10 дан ортқ қонун ҳужжатлари билан тартибга солиноқда. МТМнинг моддий-техника асосини янада ривожлантириш мақсадида молия институтлари иштирокида инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда, мақтабгача таълим муассасаларида инновацион ва тажриба-синов ишлари сезиларли даражада кучаймоқда.

— Мамлакатимизда мақтабгача таълим муассасалари тармоғини ҳозирги замон талаблари ва стандартлари асосида ривожлантириш, уларни реконструкция ва модернизация қилишга асосий эътибор қаратилямоқда, - деди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Улугбек Иноятов. — МТМни Давлат бюджетидан молиялаштириш кейинги уч йилда 2 баробарга ўси. Мазкур чора-тadbирлар натижасида мақтабгача ёшдаги болаларни баркамол қилиб тарбиялаш, уларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш ишлари сезиларли фаоллашганлиги кўзга ташланади. Бугунги кунда 4 минг 950 та давлат ва 74 та нодавлат мақтабгача таълим муассасалари мавжуд. Шунингдек, болаларни мақтабга тайёрлашнинг "илк ёш ривожлантириш марказлари", "яқиндан гуруҳлари" каби муқобил шаклларида унумли фойдаланиш режалаштирилган. Хусусан, жорий йилда 1 минг 220 та қисқа муддатли гуруҳлар ташкил этилади. Шунингдек, "Соғлом бола йили" муносабати билан болаларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги болаларни мақтабга тайёрлашга қаратилган, 2015-2020 йилларга мўлжалланган мақтабгача таълим тизимини янада ривожлантириш давлат дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Мазкур дастурда мақтабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини босқичма-босқич кучайтириш, мавжуд МТМни капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш, янгиларини барпо этиш, шунингдек, болаларни таълим стандартларига мувофиқ мақтабга тайёрлашнинг мутлақо янги дастурларини тайёрлаш ва татбиқ этиш, мақтабгача таълим муассасалари ходимларининг малака категорияларини белгилаш, ходимларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби чора-тadbирлар ўрин олади.

Таъкидлаш жоизки, педагог-тарбиячиларнинг малакасини ошириш мақсадида улар марказий ва ҳудудий малака ошириш институтларида доимий тарзда ўқитиб борилмоқда. Таълимнинг илгор технологиялари жорий этилиб, кадрлар малакасини ошириш тизими такомиллаштирилмоқда. Бундан ташқари МТМларни психолог, дефектолог каби мутахассислар билан таъминлаш борасида ҳам муайян чоралар кўриляпти, - деди маърузачи.

Эшитув чоғида мақтабгача таълим муассасаларини сифатли озик-овқат таъминоти билан таъминлаш, халқ таълими вазирлиги ҳамда соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тadbирлар режаси асосида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар хусусида ҳам тўхталар ўтилди. Шунингдек, депутатлар томонидан мақтабгача таълим тизимини молиялаштириш механизминини такомиллаштириш, мақтабгача таълим муассасаларида чет тилларини ўқитиш, болаларни мусика ва санъатга йўналтириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда мавжуд имкониятларини янада кенгайтириш тақлифлари билдирилди. Соҳада эришилган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар мавжудлиги, уларнинг олдини олиш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга эътибор қаратилди.

Парламент эшитувида депутатлар кўрилган масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди, қизгин муҳокама ва савол-жавобларда фаол иштирок этишди.

— Мақтабгача таълим жараёни боланинг иқтисоди ва қобилиятини шакллантиришининг энг маҳсулдор даври ҳамда баркамол авлод этиб тарбия-

лашнинг муҳим омилларидан бири эканлиги соҳага алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади, - деди эшитувда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раҳбари Абдуғафур Мамаатов. — Шундай экан, Республикаимиздаги барча мақтабгача ёшдаги болаларнинг МТМга жалб этилиши ҳамда уларни мақтабга самарали тайёрлашга эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Бу борада Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлган фаолияти давомида ҳамда қўмитамиз томонидан мақтабгача таълим муассасалари фаолияти, уларнинг моддий-техник базаси, болаларнинг бу даргоҳларга жалб этилиш ҳолатлари, уларнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологиялар билан таъминлиши даражаси ўрганилди, назорат-таҳлил тadbирлари ташкил этилди. Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, юртимизда мақтабгача таълим тизими кенгайтирилмоқда, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг моддий-техник базаси яхшилланишига эришилаёпти. Аммо соҳада эришилган ютуқлар ўзимизники, мавжуд айрим камчиликларни бартараф этиш, хусусан, қишлоқ жойларда мақтабгача таълим муассасаларини юқори малакали, тажрибали мутахассислар билан таъминлашга эътибор қаратиш зарур. Айрим вилоят ва туманлар кесимида 2-7 ёшли болаларни МТМга кенг жалб этиш борасидаги камчиликларни бартараф этиш ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада фракцияимиз аъзолари мақтабгача таълим муассасаларига жалб этилмаган болаларни бошланғич таълимга тайёрлаш зарур деб

Игорь КОПЕНЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Мақтабгача таълим узлуқсиз таълимнинг бошланғич қисми ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотади, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. Шундай экан, бу тизим фаолиятини янада кучайтириш, мақтабгача таълим муассасаларида ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга мақтабгача ёшдаги болаларни кенг жалб этиш фарзандларимизнинг баркамол ва етак шахс бўлиб шаклланишида муҳим ўрин тутди. Фракцияимиз ташаббуси билан ташкил этилган бугунги эшитувда соҳада амалга оширилаётган ишлар, қонунчилик ҳужжатларининг тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижро этилиши кенг муҳокама этилди. Фракцияимиз аъзолари сайловчилар билан учрашувлар мобайнида ҳудудлардаги МТМнинг фаолияти ва ҳолати билан танишгани ҳамда соҳа вакилларининг тақлиф ва фикрларини ўрганигани алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу эса келгусида соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз. Жумладан, таълим тизимини ҳамда болалар спортини янада ривожлантиришга қаратилган қонунчилик механизмларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу борадаги амалдаги қонунлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назоратини ўрнатиш, назорат-таҳлил ишларини олиб бориш, мутасадди идоралар ҳамкорлигида конференция, семинар, давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб бориш мақсадга мувофиқ.

Пўлатхўжа Йўлдошев,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан
сайланган депутат:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбидан миллий гуруҳ уйғотиш, ёшларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, таълим тизимини тартибга солуви қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга қўмақлашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу дастурий мақсадлар биз депутатлар зиммасига мазкур йўналишдаги ишларда фаоллик кўрсатиш маъсулиятини юқлади. Хусусан, мақтабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, малакали кадрларни жалб этиш ҳамда уларни миллий менталитетимизга мос ўйин-чоқлар билан таъминлаш орқали фарзандларимизнинг маънавий-руҳий оламини бойитишга эришиш мумкин. Бу борада "Соғлом бола йили" Давлат дастуридан келиб чиқиб, ўз ваколатларимиздан унумли фойдаланган ҳолда МТМ тизимини мустаҳкамлашга, улар фаолиятини кенгайтиришга интилишимиз лозим.

Жараён

Таҳлил

Дастурий вазифалар ижроси

бизни фаоллик, ташаббускорлик ва фидойиликка ундайди

Олий Мажлис
Конунчилик палатаси-
нинг яқинда бўлиб
ўтган мажлисида
депутатлар томони-
дан "Тижорат сирининг
тўғрисида"ги Ўзбекистон
Республикаси
Конунин қабул қилиниб,
маъқуллаш учун Се-
натга юборилди.



Тижорат сирининг ҳуқуқий кафолатлари

ЎЗМТДП дастурий вазифалари билан ҳамоҳанг

Мазкур қонун тижорат сирининг аниқ ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган бўлиб, ахборотни тижорат сирини тоифасига қўйиш, уни тизимлаштириш ва тақдим этиш масалаларини қонуний нормалар билан таъминлаш мақсадларини ўзиде муносабатларга асосланган рақобат шароитларида, айниқса, рақобат ноҳалол тус олганда ҳўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати мўҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, айнан қандай ахборот тижорат сирига тааллуқли бўлиши, уни қелгусида шериклар, рақобатчи ва давлат органларига қорхонага зарар етказмаган ҳолда ошқор қилиш, тижорат сирини ҳимоя қилишни таъминлаш каби мўҳим масалалар ҳам ушбу қонун билан тартибга солиномоқда.

Мазкур ҳужжатда тижорат сирини оид асосий тўшунчалар, талаблар, маълумотлар, тижорат сирини мулкдорининг ҳуқуқлари, тижорат сирини муҳофаза қилиш мўддатиде, тижорат сирини режими уни ўргатириш ва бекор қилиш, тижорат сирини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари, меҳнат муносабатлари жараёнида муҳофаза қилиш, тижорат сирини билан танишиб чиқишга берилган ижозатни бекор қилиш асослари ҳуқуқий нормаларда ўзининг яққол ифодасини топган. Шу билан бирга, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларида, жумладан, мулкдор томонидан қонфидентга тоширилганда тижорат сирини муҳофаза қилиш ва тақдим этиш, унинг махфийлигини таъминлаш, тижорат сирини билан судда таништириш чегараларини белгилашнинг ҳуқуқий кафолатлари шакллантирилмоқда.

Қонунда унинг шахсларга номалўмлиги сабабли фан-техника, технология, ишлаб чиқариш, молия-иқтисодиёт ҳамда бошқа соҳаларда тижорат қимматига эга бўлган, қонуний асосда эркин фойдаланилмайдиган, танишиб чиқишга ижозат берилмайдиган ахборот тижорат сирини экани, ахборот мулкдори унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини қўриши лозимлиги аниқ белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, тижорат сирини доир талаблар ҳам акс эттирилиб, бундай талаблар сирасига унинг шахсларга маълум эмаслиги сабабли ўз мулкдори учун ҳаққий ёки потенциал тижорат қимматига эга бўлиши, қонун ҳўжатларига мувофиқ, ҳамма маълум ёки ҳамма учун очик бўлмаслиги, унинг махфийлигини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари таъминланган бўлиши, давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сир белги-ларига эга бўлмаслиги каби омиллар киритилмоқда. Тижорат сирининг мазмуни ва ҳўжми унинг мулкдори томонидан белгиланиши ҳам қонунда назарда тутилмоқда.

Тижорат сирини мулкдорининг ҳуқуқлари мулкдор томонидан ахборотга нисбатан тижорат сирини режими ўрнатилган пайтдан эътиборан вужудга келиши ҳамда тижорат сирини эга мулкдорнинг бу борадаги қатор ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги норма қонуннинг ўзига хос жиҳатларидан биридир.

Тижорат сирини режими мулкдор томонидан ўрнатиш, ўзгариштириш ва бекор қилиш, муҳофаза этиш чора-тадбирларини қўриш, тижорат сирини билан танишиб чиқишга берилган ижозатни бекор қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам мазкур қонун билан кафолатлаб қўйилгани алоҳида эътиборга молик. Шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан савдо-иқтисодий, фан-техника, валюта-молиявий ва бошқа муносабатлар амалга оширилаётганда ахдлашувчи тарафлар тижорат сирини ташкил этадиган маълумотларнинг тавсифи ва рўйхатини, шу билан бирга, унинг муҳофаза қилинишини таъминлаш бўйича ўзаро мажбуриятларни махсус шартлаб олишлари хусусидаги норма ҳам томонларнинг манфаатларини тенг равишда таъминлашга қаратилганини қўриш мўмкин.

Албатта, тижорат сирини ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-иқтисодий фаолиятида ниҳоятда мўҳим ўрин тутаети. Чўнки, ҳар бир қорхона ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақидаги ахборот ва маълумотларни қанчалик махфий сақласа, шўнчалик муваффақиятга эришиши исбот талаб этмас ҳақиқат. Шу маънода, "Тижорат сирини тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши келгусида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Эътироф этиш жоизки, ушбу қонун Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида кўзда тутилган вазифалар билан ҳамоҳангдир. Зеро, биз миллий бозорни ҳар томонлама ривожлантиришни асосий устувор вазифамиз, деб биламиз. Ушбу соҳадаги партиямиз сиёсатининг стратегик мақсади эса, аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг асосий омилли сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий ҳавфсизликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Зеро, ЎЗМТДП сайловолди Платформасида ифодаланган миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш, самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказиш, миллий манфаатларимизни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кучли ташки иқтисодий стратегияни рўёбга чиқаришда мазкур қонун биз учун айни мўддаодир.

Шўхрат ДЕҲҚОНОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

Таъкидлаш лозимки, сиёсий партия ишининг самарадорлиги нафақат тарғибот-ташвиқот ишлари ёки тадбирлар билан, энг мўҳими, электротат фойдасида ҳал этилган масалалар сони ва салмоғи билан ўлчанади. Ушбу мўҳим мезон 30 та бошланғич партия ташкилотли, 1 минг 600 нафардан зиёд аъзога эга ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши ҳам дастурий вазифалар ижроси йўлида самарали иш олиб боришга, сиёсий партияларга яратилган ваколат ва имкониятлардан оқилона фойдаланишга ундамоқда.

Ўтган 2013 йилда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи томонидан ЎЗМТДП ижтимоий қатлами манфаатларини ўзида ифода этадиган, дастурий вазифаларимиз билан бевосита ўйгун икки йирик ташаббус — миллий хўнармандчиликни ривожлантириш бўйича яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш партия шаҳар Кенгашининг доимий эътиборида. Яқинда "Жиззах шаҳрида миллий хўнармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш" мавзусида ўтказган давра сўхбатимизда соҳани янада ривожлантиришда олдимизда турган вазифаларни чўқур таҳлил қилдик. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Жиззах шаҳар бўлими, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва "Хўнарманд" уюшмаси шаҳар бўлими билан келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдик.

Айни пайтда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг "Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофаза этилиши ва улардан фойдаланиш" мавзусидаги таҳлил эътиборини ҳам бевосита таҳлил этиб бориамиз. Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жиззах шаҳрида мавжуд 16 та маданий мерос объектлари, 10 та монументал, 11 та археологик ёдгорликлар расман рўйхатга олинган ва маданий мерос объектларининг янги рўйхати шакллантирилган. Ша-

ҳардаги "Қалиятепа", "Ёқуббой уюшмаси шаҳар бўлимига, 20 нафари эса партиёга аъзо бўлишди. 19 нафар хўнарманд "устоз-шогирд" мактабини яратиб, уларнинг ҳар бирига 5 нафардан шогирд бириктирилди. 2013 йилда шаҳар "Хўнарманд" уюшмаси ёш хўнармандларни касбга йўналтириш бўйича 6 ойга мўлжалланган лойиҳа бўйича 10 млн. сўмлик грант соҳиби бўлди. Бош мақсади касаначилик — уй меҳнатини ташкил этиш бўлган мазкур лойиҳанинг асосий ҳамқори ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши саналади. Лойиҳа ҳозирги кунда ҳам давом этаётган бўлиб, унинг доирасида 100 нафардан зиёд хотин-қизга уста-хўнармандлар томонидан тикувчилик-биқувчилик сирлари бепул ўргатилмоқда. ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитасининг кўмаги остида партия аъзоси бўлган хўнармандлар Зилола Мирзаева ва Мамола Эргашеваларга Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи 6 нафар ишсиз хотин-қиз шогирдликка бириктирилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хўнармандчиликни ривожлантириш, "устоз-шогирд" мактабларини йўлга қўйиш орқали янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар тадбиркорлиги, хўнармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш бўйича яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш партия шаҳар Кенгашининг доимий эътиборида.

Яқинда "Жиззах шаҳрида миллий хўнармандчилик ва касаначиликни ривожлантириш" мавзусида ўтказган давра сўхбатимизда соҳани янада ривожлантиришда олдимизда турган вазифаларни чўқур таҳлил қилдик. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Жиззах шаҳар бўлими, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва "Хўнарманд" уюшмаси шаҳар бўлими билан келгусида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдик.

Айни пайтда халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг "Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофаза этилиши ва улардан фойдаланишнинг аҳволи" масаласи халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди ва қарор қабул қилинди

● **ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгашида 1 минг 600 нафардан зиёд партия аъзоси бўлиб, улар 30 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган**

● **"Вилоятда маданий мерос объектларининг муҳофаза этилиши ва улардан фойдаланишнинг аҳволи" масаласи халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритилди ва қарор қабул қилинди**

Хўзирада партия ҳаётини янада кенг тарғиб қилиш мақсадида "Ёшлар қаноти" фаоллари ташаббуси билан тенгдош-тенгдошга тамойили асосида тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Улар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мактаб, коллеж ва лицейларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИТС, гиёхвандлик, алкоғолизм ва кашандалликка қарши курашишга қаратилган ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, январь ойидан бошлаб

ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши вилоят "Истиқболли авлод" нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда яна бир лойиҳани амалга ошира бошладик. Лойиҳанинг бош мақсади ЎЗМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида устувор вазифа қилиб белгиланган мамлакатимиз фуқароларига миллий ўзликини англашни ўстириш, миллий гуруҳ, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, миллий мустақилликни, халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини асраш ва ҳимоя қилиш каби ғоя ва мақсадларни янада кенг тарғиб-ташвиқ қилишдан иборат. Айни пайтда лойиҳа орқали вилоятдаги Beeline алоқа тармоғи абонентларига ҳафтада бир мартаба "смс" жўнаштирилган бўлиб, "ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Қўмитаси", "ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши "Аёллар қаноти", "ЎЗМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши "Ёшлар қаноти" номи остида юборилаётган "смс"ларда ЎЗМТДПнинг партия дастурий мақсади ва вазифаларининг мазмун-моҳияти, аҳамиятини очиб берувчи фикрлар, ибратлики сўзлар, кенг жамоатчиликни партияга қорловчи шiorлар ўрин олган. Бундан мақсад аҳоли ўртасида партиявий

фаолиятимизни янада кенг тарғиб қилиш, аъзолар сафини кенгайтиришдан иборат. Ушбу лойиҳани эндиликда янада кенгайтириш, бошқа мобил алоқа компаниялари билан ҳамкорлик олиб боришни режалаштирганмиз. Ушбу саяё-ҳаракатларнинг барчаси ҳудудда ЎЗМТДП нуфузини янада ошириш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш, амалий ишларимиз билан кенг жамоатчилик ишончини қозониш, яқинлашиб келаётган улкан сиёсий воқелик - парламентда маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларга ёруғ юз билан кириб боришга қаратилган.

Нигора МУХТОРОВА,
ЎЗМТДП Жиззах шаҳар
Кенгаши Ижроия Қўмитаси
раиси ўринбосари

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида кўппартиявийлик тизими, мустақил, барқарор, фаол ва кенг аҳоли қатламлари (электротат) томонидан қўллаб-қувватланадиган сиёсий партия ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Давлат сиёсий партияларнинг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга ижтимоий турмушда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий эркинлик яратиш беради".

Дарҳақиқат, сиёсий партияларнинг жамиятдаги ролини кўчайтиришнинг энг мўҳим омилли уларга кенг қонуний имкониятлар яратиш бериш, кўппартиявийлик тизими ривожини учун ҳуқуқий асосларни таъминлашдан иборат бўлиб, бу борада мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кенг қўллаш саяё-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Мазкур сиёсий жараёнга мамлакат тараққиётининг бирламчи ва долзарб масалаларидан бири сифатида эътибор қаратилди.

1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, унда бир қатор энг мўҳим ва асосий тўшунчалар ҳамда тамойилларнинг мустаҳкамлаши мамлакатда парламентар демократияни, жа-

ҳон андозаларига мос келувчи сиёсий плюрализм ва кўппартиявийликни шакллантириш учун ҳуқуқий база яратилишида тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

Дарҳақиқат, Конституция-мизда илк мартаба мамлакатдаги ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафқулар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланаётганлиги эътироф этилди. Конституция фуқароларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга эркин бирлашиш ҳуқуқи асосида сиёсий партияларнинг фаолият қўрсатишига мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда "Жамоат бирлашмалари тўғрисида", "Сиёсий партиялар тўғрисида", "Сиё-

Ислохот

Кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш

фуқаролик жамиятининг мўҳим шартли

сий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлари, "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кўчайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонуни ҳамда 2011 йил 18 апрелидаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги (мавзуга тегишлича 93-модда 15-банди, 98-моддаси), шунингдек, 2014 йилнинг 20 январидан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳўжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Унда маҳаллий кенгашларда фаолият юритаётган партия гуруҳи, унга аъзолик, рўйхатдан

ўтказиш, тузиш, фаолиятининг тугатилиши, бундан ташқари, партия гуруҳларининг ҳуқуқлари қўрсатилди. Иккинчидан, ушбу қонунда партия гуруҳи тушунчасига аниқлик киритилди, «партия гуруҳи — сиёсий партиядан қўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини қораллоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашида, халқ депутатлари Кенгашида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси» дейилди. Учунчидан, партия гуруҳи тузилиши учун депутатларнинг минимум миқдори қонуннинг 14-моддаси 4-қисмида: «Қораллоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашида, халқ депутатлари Кенгашида» партия гуруҳлари уларда тегишли сиёсий партиядан Қораллоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашига ёки халқ

депутатлари Кенгашига сайланган камиде беш нафар депутат бирлашган тақдирда» тузилиши белгиланди. Кўппартиявийлик тизими шартини партия гуруҳлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаши жамиятда соғлом рақобатнинг юзага келишига, ҳар бир партия ўз вакиллари орқали дастурда белгиланган вазифаларни маҳаллий кенгашларда қўриб қилиши ва ижросини таъминлашга эришиш имконига эга бўлади. Бундан эса, албатта, халқ манфаатдор бўлади, жамиятга ўзининг ижобий натижасини беради.

Юқорида келтирилб ўтилган қонунлар мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мўҳим шартли бўлган кўппартиявийлик тизимининг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида мамлакатимизда фаолият юритаётган

сиёсий партиялардан халқ ҳам, жамият ҳам Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш билан боғлиқ янгилик ва ўзгаришларни кутмоқда. Дарҳақиқат, сиёсий партиялар жамият ва давлатни боғловчи демократик институт сифатида мамлакатда бўлаётган жамиятни модернизациялаш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, демократик янгилашнинг жараёни марказида бўлиши мўҳим аҳамият касб этади. Зеро, сиёсий партиялар жамиятни ҳаракатлантирувчи куч сифатида майдонга чиқиши бугунги кун талабидир. Шундай экан, мазкур механизмнинг асосий элементларини ташкил этадиган партиялар рақобат муҳитини қарор топтириш, электротат манфаатларига хизмат қиладиган ғояларни ишлаб чиқиш, қонунлар сифатини яхшилаш ва кўппартиявийлик тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти катта.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида партияларро конструктив рақобат, кўппартиявийлик тизимининг фаоллиги учун кенг ҳуқуқий замин яратилган ва ушбу демократик тенденция динамика равишда ривожланмоқда. Умуман олганда эса, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими барқарорлиги туфайли фуқаролар ўз сиёсий турмуш тарзини танлаш ҳуқуқига эга бўлиб бормоқда. Халқимизга ўз ҳокимиятини бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали амалга ошириш имкониятидан фойдаланиш учун кенг шарт-шароитлар яратилмоқда.

Сирожон БЕРДИКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Катта илмий ходимлар-изланувчилар институти катта илмий ходим-изланувчиси, подполковник

Бунёдкорлик



Янги маданият ва истироҳат боғлари

барпо этилмоқда

Мустақиллик йилларида юртимизда асрлар давомида шаклланган халқимизнинг бой маданий мероси, аъёни ва урф-одатлари асраб-авайланиши баробарида илм-фан, санъат, маданият ва спорт равнақ топмоқда. Шаҳару қишлоқларимиз жамоли кўзи қувонтиради: қад ростлаётган серхашам бинолари кенг ва равои ёллар... Хийбонларни гўзалликка буркаган гўлзорлар, олис ўлкалардан келтирилган дов-дараклар ўз ватанининг нафасини она заминимизга тортиқ қилаётгандек, гўё.

тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири М.Хожиматов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раисининг ўринбосари А.Хамроев ва бошқалар бу каби маданий марказларнинг инсон ҳаётидаги ўрни, айнаса, ёшларимиз ички дунёси, маънавиятининг юксалишидаги ролини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Эътироф этиш жоизки, маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишларига жами 822 млн. сўм маблаг сарфланди. 2014 йил Дастурига асосан, таъмирланиши белгиланган яна шундай 7 марказнинг лойиҳаси ҳужжатлари тайёрланиб, тендер савдолари ўтказилган. Маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг таъмирланиши ва жиҳозланиши учун жами 2 269 791 млн. сўм маблаг ажратилиши белгиланган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маданият ва истироҳат боғларининг барпо этиш доимий эътибордаги масалалардан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлаш тўғрисида"ги 322-сонли қарорига асосан, дастурга киритилган 19 та маданият ва истироҳат боғларининг 5 таси жорий таъмирланиши, 3 таси реконструкция қилиниши ва 11 таси янги ташкил этилиши белгиланган. Ушбу қарорга асосан, Республикада маданият ва истироҳат боғларини янгидан қуриш, капитал, реконструкция қилиш ва уларни замонавий ўйин қурилмалари ва аттракционлар билан жиҳозлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Ҳар бир маданият ва истироҳат боғида жами 66 та аттракцион ва ўйин қурилмалари ўрнатилган. Бундан ташқари, маданият ва истироҳат боғларида амалга оширилаётган ишлар мониторинги яхши йўлга қўйилган.

Аҳолининг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда тўғрақарак фаолиятини жонлантириш ҳамда маданият марказларида

олиб борилаётган маданий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида турли мавзуларда кўрик-танловлар ташкил этилмоқда.

"Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним" шiori остида Хоразм вилояти Хива туманидаги "Саёт" маданият ва аҳоли дам олиш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Саратон кўёшининг тафти пасайган маҳал саётликлар тантананага шошилишти. Мактаб ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, ота-оналар, фарзандлар, кекса-ю ёш кишлоқ марказида янгидан чирой очган маданият ва дам олиш маркази биноси олдида тўпланди. Пойтахтимиз ва вилоят марказидан ташриф буюрган мутасаддилар 42 минг нафар аҳоли яшайдиган ҳудудга хизмат кўрсатадиган ушбу марказ очилиши муносабати билан саётликлар, қолаверса, бутун хиваликларни чин дилдан мубороқбод этар экан, мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг бир қисми бўлган маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталдилар. Жумладан, Хоразм вилоятида ана шундай марказларнинг 60 дан зиёди ташкил этилиши ва шулардан 13 таси жорий йил очилиши режалаштирилган таъкидланди.

Меҳнат фахрийси Отабой Худойназаровнинг куйидаги сўзлари эса ёшларга яратилган бундай қулайликлардан қувончи чексиз саётликларнинг дилидаги гап бўлди. — Бизнинг Саёт кишлоғимиздан Ислоом оламининг етук намояндаси, шайх Нажмиддин Кубро, ўзбек бахшичилик санъати ривожига улкан хисса қўшган Бола Бахши Абдуллаевдек машур инсонлар етишиб чиққан. Ушбу маданият ва аҳоли дам олиш марказида ёшларимизга яратилган қулайликлар уларнинг буюк аждодларимизга муносиб тарзда тарбия топишида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Маданият ва истироҳат боғи йиғилганларни ўзига қорлади. Бир пайтлар қурилган бино ўрнида қад ростлаган маданият саройи замонавий кўриниш олган. Бино бутунлай қайта таъмирланган. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлайдиган маскани кўздан кечирганлар қурувчилар меҳнатига таҳсин айтиди. Шахмат тахтаси узра кироллар ўйини билан машғул болалар, рақс тўғрагида мусиқа оҳангига монанд ҳаракат қилишга интилаётган қизлар катталарнинг ҳавасини уйғотмай қўймади. "Саёт" маданият ва аҳоли дам олиш маркази директори Хамробек Абдуллаевнинг маълумот беришича, бу ерда ҳозирда инглиз тили, компьютер саводхонлиги, тикувчилик, амалий ва тасвирий санъат, чолғучилик каби жами 11 та тўғрақарак фаолият кўрсатмоқда. Келгусида гилам тўқиш ва парда тикиш тўғрақларини очиб ҳам режалаштирилган.

Шу куни вилоятнинг Богот туманидаги Кулонқорабоғ, Шовот туманидаги Ижтимоий қишлоқлари аҳолисига ҳам қурувчилар бу каби замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини тўхфа этишди. Маъжур вилоят бўйича очилган жами 3 та марказда ташкил этилган 20 та тўғрақарак, 7 та студия, 4 та бадий жамоа ва битта музей қарийб 90 минг нафар аҳолига хизмат кўрсади.

Таъкидлаш жоизки, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари халқимизнинг тобора ўсиб бораётган маданий эҳтиёжларини қондириш, ёшларнинг иқтидори, лаёқати ва қизиқишларини тўғри йўналтириш ҳамда халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришда муҳим ўрин тутуши шубҳасиз.

Илья ДИЛЬМАНОВ, Алишер РАҲМОН, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Реклама ўрнида

Бизга ватанпарварлар керак

Эда "Мардлар кўриқлайди Ватани" деган ҳикमतумуз ибора бор. Бу бежиз эмас. Ҳамма замонларда ҳам халқнинг энг буюк орзуси Ватан тинчлиги бўлган. Зеро, ақлан ва жисмонан соғлом, қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси жўш урган, кўрқмас ва жасур, мардлар кўриқлаётган сарҳадни ҳеч қандай ёв босиб ўтолмайди.

Шу маънода, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Шаҳрихон автомобиль мактаби ҳар йили 150 нафар ҳарбий ҳайдовчи тайёрлайди. Бундан ташқари, автоҳаваскор ва мутахассис ҳайдовчилар курсида ҳам йил давомида ўқув машғулоти олиб борилади.

Анджон вилоятидаги ҳарбий ҳайдовчилар тайёрлаб берувчи ўқув даргоҳининг бири ҳисобланган муассаса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижроси таъминлаш мақсадида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Автомобиль мактабининг Раҳимжон Булбулов, Гўзалхон Умарова, Матлуба Орипова, Отабек Қайюмов, Жамолддин Юсупов, Бахтиёржон Қўлдошев каби устоз ва мураббийлари ҳарбий йўналишдаги ҳайдовчилар тайёрлаш жараёнида ёшларга ҳарбий ҳаёт тартиби ва кўнимчаларини сингдиришга, интизом қоидалари билан таништиришга, кўпқураш деб номланувчи ўн турдаги ҳарбий спорт машқлари билан шуғуллантириш чаконлик, мардлик ва жасуриликни шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Мактабда бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Мактабда Шаҳрихон Бўз, Улуғнор, Марҳамат ва Асака туманларидан ҳам ёшлар ташкилотлари боис муассаса замонавий услубда қурилган 50 ўринли мукамал жиҳозланган талабалар уйи (ётоқхона)га, замонавий ўқув корпуси ва кўрғазмали куроллар билан жиҳозланган синф хоналарига эга. Маълумки мураббийлар ёшларга автотехника назарияси ва амалиётдан сабоқ берадилар. Турли тадбирлар ўтказиш учун жиҳозланган маънавият ва маърифат хонаси ёшлар ихтиёрида. Ўқувчилар ахборот-ресурс марказида даврий матбуот нашрлари билан танишиб борадилар, бадий адабиётлар муролааси билан шуғулланадилар, кенг ёруғ ошхонада уч маҳал бепул иссиқ овқат билан таъминланадилар. Улар учун махсус стипендия таъсис этилган.

Ўқув курсларимизда иштирок этаётган айрим ёшлар автотехника ва йўл ҳаракати қоидаларидан яхши хабардор эмаслиги туфайли ўқув жараёнида биров қийналишди, дейди ташкилотнинг мактабининг маънавий ва ҳарбий ватанпарварлик тарғиботи ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Хуршид Жўраев. — "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросига қаратилган режимидаги тузаётганда кўпроқ шу ҳақида ўйладик. Тасарруфимиздаги автодромни янада қулай ва кенг майдонга ўтказдик, унинг ўрнида "Картадром" ташкил этишга киришдик. Уни, асосан, хашар йўли билан бунёд этдик. Ўсимларнинг каргитинг спорт тури билан шуғулланишлари учун мулжалланган минни автомобиллар, моторолёрлар олиб келдик. Картадромнинг очилиш маросимида туман ҳокимлиги ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари Шаҳрихон

туманидаги маҳаллалар фаоллари, ота-оналар ва ёшлар иштирок этишди. Уша кунлик мактабимиздаги тўғрақарак қатнашиш иштиёқидаги ёшлар кўплигини сездик. Картадром майдонини янада кенгайтириб, унда сузиш ҳавзасини қуриш ҳам режимида бор.

Ўқув даргоҳида миллий байрамларимиз ўзига хос тарзда нишонланади. Шоир, ёзувчи ва санъаткорлар таклиф қилинади. Ўқувчилар орасида турли кўрик-танловлар ўтказилади. Қувонарлиси, бўлғуси ҳарбий-техник мутахассислар кўлаб спорт турлари бўйича ўтказиладиган мусобақалар ғолибига айланадими.

— Шаҳар ва қишлоқларимиз кундан-кунга чирой очиб, халқимизнинг ўзига тарзи тобора юксалиб бораёпти. Айниқса, кўчаларимиз кенгайиб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар билан тўлмоқда, дейди Автомобиль мактаби директори Раҳматулла Кичикбеков. — Бу эса ҳаваскор машина ҳайдовчилари курсининг ўқув соатларини кўпайтиришимизни тақозо қилмоқда. Давр талаби билан яшаётимиз. Яъни, шу кунларда хотин-қизларнинг муаллимлар, аёл мураббийлар ҳам иш олиб бораёпти.

Автомобиль мактаби томонидан ташкил этилаётган бу каби тадбир ва тўғрақарак ёшларнинг ақлан етук, жисмонан соғлом бўлиб улгайишларига хизмат қилиши шубҳасиз. Энг муҳими, ёшлар қаровисиз қолмайди. Бўш вақти шу ерда, мураббийлар назоратида ўтади. Шаҳрихон автомобиль мактабининг қайтар эканми, амалга оширилаётган ҳайри ишлардан мамнунлик туйдиқ. Ахир, бу Ватан барчамизники, унга ватанпарварларни етказиб бериш эса олий шарафдир.

Замира РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг "2014 — Соғлом бола йили"га бағишланган янги сони нашрдан чиқди

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалланинг роли тобора ортиб бормоқда. Журналнинг илк саҳифасида берилган "Маҳалла — фуқаролик жамиятининг асоси" номли мақолада "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси Анвар Аҳмедов маҳалла институтининг кенг миқёсдаги самарали фаолияти, соҳада олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда келгусидаги режалари хусусида ҳам сўз юртади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди Мирвалд Мирақулов "Давлатнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги" мақоласида мавзунини қонун ҳужжатлари мисолида очиб берган. Шунингдек, журналдан жой олган "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг конституциявий ҳуқуқий асослари", "Нодавлат нотижорат ташкилотлари - демократик ислохотларни чуқурлаштириш ташаббускорлари", "Фуқаролик жамияти ва ёшлар сиёсий маданияти", "Жамоатчилик эколог назоратини амалга ошириш" деб номланган мақолалар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратилган.

"Ҳуқуқий эксперимент - Америкалик эксперт нигоҳида" мақоласида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг Халқаро нотижорат ҳуқуқ маркази вице-президенти Наталья Боржелли (АҚШ) билан "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очкилиги тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг Ўзбекистонда ҳуқуқий экспериментдан ўтказилишига доир суҳбати ҳавола этилган. Бундан ташқари, журнал саҳифаларида бе-

рилган "Парламент назорати функцияларининг ҳуқуқий асослари", "Мамлакатимиздаги демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнида "электрон ҳуқуқат"нинг аҳамияти" каби мақолаларда мазкур қонуннинг давлат органлари фаолиятининг очкилигини таъминлаш, фаолият самарадорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти таъкидланди.

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Висола Алимованин "Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар - давлат ва жамият эътиборида" мақоласида жорий йил доирасида амалга оширилаётган ишлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фарзандларни қўлаб-қувватлашга қаратилган бир қатор лойиҳа, тадбир ва ечимини кўтиб турган масалалар хусусида атрафлиқ фикр юритилган. Шунингдек, журналнинг янги сонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2013 йилда амалга оширган ишлар сарҳисоби берилган. Унда инсон ҳуқуқлари оид қонун ҳужжатлари, вакиллик фаолияти ва соҳада йўлга қўйилган халқаро ҳамкорликлар ҳақида сўз боради. Журналнинг "Халқаро ҳуқуқ", "Тарих саҳифаларида", "Анжуманлар, тадбирлар, тақдиримиз" рўқнари орқали ўқувчи ўзи учун фойдали маълумотларни топиши шубҳасиз.

Ўз мухбиримиз

Реклама

Банк кўмаги

асосида кулолчилик ривожланиб, янги иш ўринлари яратилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданок, юртимизда банк соҳасини такомиллаштириш, молия муассасаларининг мижоз билан ишлаш жараёнини янада яхшилаш борасидаги ислохотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Юртимизда фаолият юритаётган қатор банклар фаолиятига хорижий молиявий ташкилотлар, рейтинг компаниялари томонидан халқаро қабул қилинган мезонлар асосида "Барқарор" деган баҳо берилганлиги уларнинг дунё эътирофига сазовор бўлиши билан бирга, юрдошларимиз ишончини ҳам оширмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатларни қўлаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқаришда юртимиздаги молия муассасалари ҳам муносиб ҳисса қўшаётди. Улар томонидан кўрсатилган сифатли банк хизматлари, ажра-

тилаётган имтиёзли кредит маблағлари иқтисодийни изчил ва барқарор ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, бандликни таъминлаш, тадбиркорлар сафининг кенгайишида муҳим ўрин тутмоқда.

Мен ҳам мамлакатимизда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётганлар қаторидаман. Узоқ йиллардан буён кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаман. Бу борада "Микрокредит-банк" яқин ҳамкоримизга айланган. Ушбу банк мижозлар учун бир қатор қулай ва фойдали микромолиялаш хизматларини тақдим этиб келяпти.

Ўтган йили Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Банк кредитлари — хунармандларга" номли лойиҳаси асосида "Микрокредит-банк"дан 7 миллион 500 минг сўмлик имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдим. Дастлаб 10 нафар ёшни атрофимга йи-



ғиб иш бошлаган эдим. Уларга кулолчилик сир-асорларини ўргатиб, азалий қадриятларимиздан ҳисобланган "устоз-шогирд" аъналарини давом этириб келаяман. Айни пайтда шогирдларим сони 100 нафардан ортди. Ҳозир юртимиз бозорларини кулолчилик маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида кўлаб янги иш ўрни яратилишига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Банкдан олган кредит маблағи эвазига фаолиятимиз учун зарур янги асбоб-ускуналар харид қилдик, маҳсулотларимиз тури ва сифати ошди, буюртмаларимиз сони кўпайди.

Олдимизга қўйган мақсадларимиз кўп. Улар ижобати

учун мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаямиз. Қадимий хунарлардан саналган кулолчиликни янада ривожлантириш, миллийлик ва замонавийлик аксетган маҳсулотларимизни сифат жиҳатдан янгиллаш, турли кўрғазмаларда иштирок этиб, уларни намоеён қилиш, нафақат ўзимизнинг, балки дунё бозорларини миллий кулолчилик маҳсулотлари билан тўлдириш энг олий мақсадларимиздан. Уларга эришишда бизга "Микрокредит-банк"нинг беминнат кўмаги асқотаяпти.

Неъматжон СОЛИЕВ, хунарманд, Наманган вилояти

Бизнинг шарҳ

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИ



сонга эга Христиан-демократик партиясининг платформаси сиёсий марказда учта асосий йўлни танлаган. Партия вакиллари ижтимоий бозор иқтисодиёти, экспорт тармоғи ва таълимни юқори даражага кўтариш тарафдоридир. Давлат муассасаларида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, оилавий корхоналардан ундирилатган солиқ микдорини камайтириш, аёллар ва эркаклар тенг иш ҳақи тўлаш, иш билан таъминлаш борасида жинсий камситишларга чек қўйиш масаласи партия дастуридан ўрин олган.

Христиан-демократик партияси оилавий кадрларни эъозлаш, аниқ иш соатларини белгилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва болаларни парвариш каби мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий масалаларга кенг эътибор қаратаётди. Айниқса, уларнинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсати кўпчиликини бефарқ қолдирмаяпти. Партия ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ қилиш, кўшимча пенсия олиш мақсадида тамаки маҳсулотлари учун солиқларни кўтаришга даъват этмоқда. Улар 65 ёшдан пенсияга чиқиш тартибига барча одамлар риоя қилиши ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати оптималлаштирилиши керак, деб ҳисобламолар.

Метрода ҳалокат

Москва метросида ҳаракатланаётган поезднинг вагонлари релсдан чиқиб кетган.

"Euronews" тарқатган хабарларга кўра, бунинг оқибатида ҳалок бўлганлар 20 кишидан ошган. Яна юздан ортиқ йўловчилар турли даражада жароҳатланган. Уларнинг аксарияти оғир аҳволдалиги пойтахт соғлиқни сақлаш департаменти томонидан маълум қилинган. Тергов кўмитаси вакилининг "Молодежная" бекатидан "Славянский бульвар" бекатига йўл олган метро поезднинг бир неча вагонлари релсдан чиқиб кетган. Тахминларга кўра, ҳалокатга сигналзациянинг нотўғри ишлаб кетиши оқибатида поезднинг кескин тўхтагани сабаб бўлган. Аммо Москва мэри якуний хулосага келишга ҳали эрталигини айтиб ўтган.



Тилни биласизми?

Абхазия президентлиги учун тўрт киши кураш олиб боради.

Кучи кеча номзодлар давлат тили бўлган абхаз тилида эркин мулоқот қила олиш бўйича тестдан муваффақиятли ўтишди. Фақатгина собиқ бош вазир ўринбосари лингвистик хайъат хулосасига кўра, давлат тилида етарлича эркин мулоқот қила олмайди, деб топилган ва унинг номзоди рад этилган, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бундай тестдан ўтиш номзодлар рўйхатига киришнинг асосий шарти ҳисобланади.



Мамлакат Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган маълумотларга қараганда, шу йилнинг 24 август кунига белгиланган мuddатдан аввалги президентлик сайловлари учун қарийб 4 нафар номзод кураш олиб бормоқда.

Йирик портлаш

Афғонистон шарқда жойлашган Пактига провинциясида портлаш рўй берган.


Оқибатда қурбон бўлганлар сони қарийб 90 нафарга етган, деб хабар беради "Associated Press". Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан бозор ҳудудига миналаштирилган автомобиль портлаганини маълум қилган. Ҳозирча портлаш юзасидан ҳеч бир террорчи ташкилот жавобгарлигини ўз бўйига олмаган.



Офтоб нурига етмайди

Европалик олимлар баданни сунъий қорайтириш офтобда қорайишга нисбатан анча хавфли эканини таъкидлашган.

Мазкур жараён, айниқса, хотин-қизлар орасида авж олмоқда. Европа атроф-муҳит агентлиги мутахассисларнинг сўзларига кўра, танани бир зумда қорайтирувчи барча лосьон, крем каби суртмалар ва сепиш мосламалари таркибиде соғлиққа зиён етказувчи хавфли кимёвий моддалар мавжуд. Экспертларнинг фикрича, 15 дақиқа ичида тана рангини ўзгартириб, чиройли тусга киритувчи ушбу сунъий қорайиш воситалари фойдаланилгандан сўнг ўзидан токсин моддалар ишлаб чиқариб, баданга захар тарқатади. Оқибатда нафақат, аллергия, балки тери саратоми касаллиги пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бундан ташқари мутахассислар бу усулдан фойдаланган ҳомиладор аёлларнинг фарзандлари туғма камчилиги билан дунёга келиши хавфи борлигини айтмоқда. Шунингдек, бундай воситалардан фойдаланиш инсонда қандли диабет, семириш ва бепуштлик хасталиги келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Қўлигул гиламдўзлар юрти дунёга машҳур қилган яна бир гиламда афсонавий аждархона акс этган. Мазкур гилам тури Қорабоғ ва Газах тўқувчиларининг ижод маҳсули билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай гиламлар "Салжук" лар мобайнида яратилган роман сюжетлари сингари ранг-барангдир. Гилам тўқишида шарқона классик адабиётга ҳам мурожаат этилади. Айниқса, буюк мутафаккир Низомий Ганжавий асарларидаги сюжет ва маззулар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Айтиш жоизки, озарбайжонлик гиламдўзлар "зили", "сумах", "вэрни", "джджим", "лади", "шедде", "килим", "хесир", "четен" каби тўқиш услубларида турли мукаммал композицияларни ҳозир ҳам яратиш келмоқда. Масалан, "вэрни" услубида тўқилган гиламлар тўқисиз бўлиб, асосан, мамлакатнинг Қорабоғ ҳудудида, зиғирча тўқиб босмайди. Шу боис, кўпчилик ундан дарпарда, рўмол ёхуд ёпиччики сифатида ҳам фойдаланади.

Зарф МУҲАММАД

Швейцария парламенти ёки Бирлашган Федерал йиғини - Миллий ва Конфедерал кенгашларидан иборат бўлиб, қўйи палатада 200, юқори палатада эса 46 нафар депутат фаолият юритади. Иккала кенгаш ҳам тенг ҳуқуққа эгадир. Палаталар ҳукумат фаолиятини назорат қилиб туради. Йилга бир марта парламентнинг қишки сессиясида — декабрь ойларида янги президент сайланади.



Ўшанда Цюрихда дехқонлар партиясини тузишга келишиб олинган. 1971 йилнинг 22 сентябрида дехқонлар, бюргер ва хунармандлар ҳамда Гларус ва Граубюден кантонлари партиялари бирлашиб, Халқ партиясини тузишди.

Партия биринчи навбатда мамлакатдаги муҳожирлар сонини камайтириш, Швейцария миллий манфаатларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Улар, шунингдек, даромад солиқлари ва давлат харажатларини қисқартириш масаласини илгари сураётди.

1992 йили айни Халқ партияси Швейцариянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишига қарши бўлган ва шу масала бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Референдумда қатнашганларнинг кўпчилиги бу гоёнинг жорий этилишига хайрихоҳ эмаслиги аён бўлди. Айрим мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари бироз бошқачароқ — "Халқпарварлар"нинг ҳар йили муҳожирларнинг доимий яшашлари ҳуқуқини таъминловчи квотани қисқартириш борасидаги талаблари Швейцария — Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларга жиддий путур етказиши мумкин. Шундоқ ҳам ноқонуний муҳожирлик, умуман, муҳожирликни чеклаш мавзусига бағишланган референдумдан сўнг Европа Иттифоқи Швейцариянинг "ХОРИЗОН-2020" илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш ва "ЭРАСМУС ПЛАС" талабалар алмашиш дастурлари бўйича олиб борилаётган музокараларни тўхтатди.

Хукмрон коалиция таркибидеги оз

риятларни эъозлаш, аниқ иш соатларини белгилаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш ва болаларни парвариш каби мамлакат ҳаётидаги муҳим ижтимоий масалаларга кенг эътибор қаратаётди. Айниқса, уларнинг ижтимоий хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган сиёсати кўпчиликини бефарқ қолдирмаяпти. Партия ижтимоий таъминот тизимини ислоҳ қилиш, кўшимча пенсия олиш мақсадида тамаки маҳсулотлари учун солиқларни кўтаришга даъват этмоқда. Улар 65 ёшдан пенсияга чиқиш тартибига барча одамлар риоя қилиши ва тиббий хизмат кўрсатиш ҳолати оптималлаштирилиши керак, деб ҳисобламолар.

Социал-демократик партия мамлакатдаги йирик сиёсий кучлардан бири, десак муболага бўлмас. 1888 йилдан фаолият кўрсатаётган партия Миллий Кенгашда депутатлар сони бўйича Халқ партиясидан сўнг иккинчи натижани қайд этиб турибди. Партия аъзоларидан бири Швейцариянинг биринчи аёл президенти сифатида тарихда қолган. Уларнинг сиёсий дастурида Швейцариянинг Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириши талаби илгари сурилган. Социал-демократлар ёлланма ишчи кучларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйишни таклиф қилмоқда. Бироқ марихуанани қонунийлаштириш борасидаги таклифи кўпчиликка ҳушқўмчилиги тайин.

Христиан-социал партия тарафдорлари ижтимоий гуманизм тамойилларини сақлаб қолиш йўлида жон куйдириб келмоқда. Партия тарафдорлари бадавлат шахслардан юқори миқдорда

Ўзбекистон ва Швейцария ўртасидаги алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бораётди. Швейцария Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йилнинг 7 майида тан олган. Айни пайтда юртимизда 82 та Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхоналари фаолият юритаётди. Швейцария ишбилармон доира вакиллари Навоий махсус индустриал-иқтисодий зона ва Ангрэндаги махсус иқтисодий зонада хорижлик сармоядорларга яратилаётган имтиёз ва преференцияга катта қизиқиш билдирган ҳолда бу ҳудудларда ўз иш фаолиятларини юргизишни мақсад қилган. Расмий Берн икки мамлакат ўртасидаги туризм тармоғини ривожлантириш ва шу мутахассислик бўйича Швейцариядаги олий ўқув юртиларида ўзбек йигит-қизларини ўқитиш лойиҳаси устида ҳам иш олиб бораётди.

Азимжон ПҮЛАТОВ

Рангин дунё

Мамлакатнинг бой маданий меросини сақлаб қолиш мақсадида 1967 йили Боку шаҳрида Озарбайжон гилами ва халқ амалий санъати давлат музейи ташкил этилди. Айни пайтда озарбайжонлик хунармандлар томонидан яратилган гилам ва тўқимачилик маҳсулотлари Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажи, Парижнинг Лувр, Тунқопи (Туркия), Викториа ва Альберт (Буюк Британия), Вашингтондаги Тўқимачилик музейлари, шунингдек, жаҳоннинг бир нечта галереяларини безаб турибди. 2010 йилнинг ноябрь ойида эса "Озарбайжон анъанавий гиламдўзлик санъати" ЮНЕСКО томонидан Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Инсониятга мерос гиламлар



Санъатнинг ҳар бир тури ўзининг технологик хусусиятлари, тури, услуби, жанри, мактабига эга, жумладан, озарбайжон гиламлари ҳам булардан мустасно эмас. Аввало, у туқли ва тўқисиз турга бўлинади. Тўқисиз гилам турлари «қоқма гилам» деб ҳам номланади. Қоқма гилам жадиди асосан ерга қурилади. Қоқма гиламлар йўл-йўл ранглардан иборат бўлиб, узунлиги тўқилади. Сўнгра кесилиб «туморча тикиш» орқали бир-бирига бириктирилади. Қоқма гиламнинг «чимчиғи», «кўрчимчиғи», «бибишак», «шойи», «ғажари» каби турлари мавжуд. Бундай гиламлар

да 10 тагача тахт чизиклари бўлиши мумкин. Тўқисиз гиламларнинг устки ва остки томонлари бир хил бўлади. Тўқис техникаси мураккаб бўлиб, нақш солиб тўқиладиган гилам тури терма гилам ёки туқли гилам деб аталади. Жаҳоннинг барча гўзалликларини ўзида ҳамлаган, уста гиламдўзнинг илҳом манбаи бўлган туқли гиламлар бугунги кунда турли ҳажмда тўқилмоқда. Озарбайжонда маҳаллий гиламдўзлик мактаблари азалдан мавжуд бўлган. Улар ҳамма бир-бирини тўлдириб, бойитиб келган. Бугунги кунда 7 та кўзга кўринган гиламдўзлик мактаблари мав-

Илмий манбаларда келтирилишича, озарбайжон гиламдўзлиги тарихи бронза асрига бориб тақалади. Айнан мана шу даврда гилам мамлакат аҳолисининг уй-рўзгор буюмларидан бирига айланади. У уйғунлик эстетикаси, гоё эстетикаси, бадий тўқима, ҳаёлот олами, тасвир аниқлиги, атроф-муҳитнинг барча ранг, шакли шамойилларини ўзида мужассам этган. Қадимий тарихчи Геродот қолдирган маълумотларга кўра, Кавказ гиламдўзлигида ўта чидамли ва нозик тусли ўсимлик бўёқларидан фойдаланилган. VIII-XV асрларда озарбайжон гиламлари Кавказдан Фарбга юборилгандан асосий буюмлар ҳисобланарди. Хашамат ва юқори маданият белгиси сифатида улар Европанинг кўплаб

буюк рассомлари асарларида ҳам акс эттирилган. Масалан, «Зейва» гилами голландиялик рассом Ян Ван Эйк (XV аср) нинг «Канинник Мадоннаси» картинасида жой олганини кўриш мумкин. XVI аср озарбайжон гиламдўзлигида ўзига хос «олтин аср» бўлди, десак муболага бўлмайди. Шоир, тарихчи ва файласуф Шоҳ Исмоил Сафавий («Ҳатоий» тахаллуси билан ижод қилган) тахта ўтиргач, мусиқа, шеърят, архитектура, халқ амалий санъатининг турли йўналишлари, жумладан, гиламдўзлик яхшигина ривож топди. XIX аср ўрталарида келиб жаҳонда ўтказиладиган кўлаб кўргазма меҳмонлари озарбайжон гиламларидан баҳра олиш имконига эга бўлди.

Тақдимот

“Бурч ва муҳаббат”

инсон қалбидаги юксак туйғулар тажассуми Алишер Навоий киносаройида “Бурч ва муҳаббат” номли бадий фильм премьераси бўлиб ўтди. Мазкур фильм таниқли адиб Абдуқаюм Йўлдошев ва Самариддин Халилов сценарийси асосида Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг ташаббуси билан суратга олинди.



Асар режиссёр Озод Шамсининг навбатдаги фильми бўлиб, унда халқимизга таниқли бўлган актёрлар билан бир қаторда санъатга эндигина кириб келаётган янги чехларни кўришимиз мумкин. Фильм мавзуси ёшларнинг маънавий-ахлоқий дунёқараши шаклланишига муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

Хар бир инсон ҳаётида фарз, қарз ва бурч деб номланган тушунчалар бор. Буларнинг барчаси масъулият тушунчаси билан уйғунлашади. Инсоннинг масъулияти ва мажбурияти ана шу тушунчаларга муносабати билан белгиланади. Инсон иродасини синаш унинг ўз вазифасига садоқати, бурчини ҳис этиши ва ёрига муҳаббати билан баҳоланади. Дониёр исмли йигит Ички ишлар хизмати ходими, самимий, пок ниятли, ўз ишига садоқатли, миллионерлик касбини, бурчини яхши идрок этади. Онаси ва укасига меҳр билан қарайди. Уғил ўстириб, уйлантириб келин кўриш орзуси билан юрган онаизорнинг туйғуларини тушуниш мумкин. Хар қандай фойдасизликда ҳам фойда бор, деган ақида билан иш қўрувчи Огабек каби разил, гаразли ниятлари учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган кимсалар тўдасига қарши курашади. Шу йўл билан ўз бурчини хар нарсадан устун қўяди. Дониёрнинг хизмат бурчи ва севгилисига бўлган муҳаббати доимо муро-са қилавермайди. Базан ё уни, ё буни танлаш, аросат фикру ҳаёлини банд этади. Халқ тинчлиги ва оёсийшталиги барча мақсадларнинг, орзу-умидларнинг рўёби эканлигини англаган Дониёр ўз хизмат бурчидан собит туради. Севгилисига муҳаббатини хизмат бурчига бўлган садоқат билан уйғунликда қўрган Дониёр ички ишлар тизимидаги раҳбарларнинг нафақат ишончини қозонади, балки шу йўлда жонини ҳам қурбон қилади. Ёш истеъдодли актёр Шерали Ортиқов фильм қаҳрамони Дониёрнинг ички ҳиссиётларини, изтироблари ва қувончларини кинотасмада маҳорат билан гавдалантира олган.

Тоҳир Саидов (Огабек) ҳам ўз ролини юксак санъаткорлик иқтидори билан ижро этган. Шунингдек, Фатхулла Маъсудов, Меҳридин Раҳматов Ички ишлар хизмати ходимларига хос сергаклик, ғайрат-шижоатни, зийраклик ва тезкорликни ижро мобайнида тўла намойён эта олишган. Мухтасар айтганда, инсонийлик ёрга ва дийрга, ота-она ва юртдошларга бўлган муҳаббат билан уйғунлигини, ҳаётини ва бадий ҳақиқат фильм замирига жо қилинганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Ўз мухбиримиз

Истиқлол иншоотлари



Бухоро маданий маркази

Мустиқлик йилларида мамлакатимизда барча соҳаларда туб ўзгаришлар юз берди. Бухоро шаҳри ҳам ана шундай ўзгаришлар натижасида тамомилан янгича қиёфа касб этди. Миллий меъморчилик ва замонавий архитектура аъёналарини ўзида мужассам этган бетакрор бино ва иншоотлар, равон йўллар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар қадим ва навқирон Бухоро кўрகига кўрк қўшмоқда. Айниқса, 2010 йилнинг 30 августига Бухоро тарихида зарҳал ҳарфлар билан битилди. Уша кун қадимийликка уйғун ҳолда меъморчиликнинг энг замонавий кўринишларини ўзида мужассам этган “Бухоро маданий маркази” мажмуи барпо этилди.



театр биноси қад ростлади. Бугун маҳобатли театр биноси ўзининг кўрку салобати, бетакрор меъморий кўриниши, безаклари билан юртдошларимизни, сайёҳларни ҳайратга солмоқда.

Театр биносини кўздан кечирар экансиз, қурувчи ва меъморлар меҳнати алоҳида эътирофга лойиқ эканини ҳис этасиз. Бино ичкарасига кириб боришингиздаёқ, кўз олдингизда гўзал манзара намойён бўлади. Маълумки, одам кўп тўпланадиган майдонлар, кўргазма заллари, кино ва театр фойеларини мрамор билан безаш бугун аъёнага айланган. Чунки мрамор ҳавони мўтадил, доимий соф ва тоза сақлайди. Бундан келиб чиқадики, мрамор фақат ҳашамдорлик белгиси ёки маҳобатгина эмас, табиий зарурат, саломатлик гарови ҳамдир. Бухоро вилоят мусикали драма театри биносига зەб бериб турган пок ният ва эзгу амаллар рамзи бўлган оппоқ мраморлар жилосидан кўз қамашади. Бу ердаги озодалик, ёруғлик киши руҳиятига қўтаринкилик бағишлайди. Театр хуснига хусн бағишлаб турган турфа гуллар ифори сизни шу қадар сеҳрлаб қўядики, беихтиёр ушбу санъат қошоносига руҳан боғланиб қоласиз. Ўзида миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган ҳолда бунёд этилган қошонанинг ички безакларида ҳам Бухоронинг аъёнавий меъморий услуби ўз ифодасини топган.

Театр санъати маънавиятнинг энг ёрқин, таъсирчан кўринишларидан биридир. Зеро, у томошабинга бевосита таъсир кўрсатади. Театр сахнасида қўйилган ҳар бир асар, аввало, томошабинларнинг бадий диди ва сависини ўстиришга хизмат қилиши лозим. Яъни театр бир яримки соат ичида замонавий ёки тарихий воқеалардан ҳикоя қилиб, томошабинларнинг фикрини ўзгариштириб юбориши, қалби шуурда ўчмас из қолдириши керак. Умуман, бугунги турли мафқуравий таҳдидлар кучайган бир пайтда инсониятни эзгуликка бошловчи, айниқса, ёш авлод қалбиде Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғуларини шакллантириш, улар онгиде инсоний фазилатларни камол топтиришда театр санъати энг таъсирли тарғибот воситаларидандир. Шу боис, бугунги кунда юртимизда театр санъати ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунде Бухоро вилоят мусикали драма театри мисолида ҳам кўриш мумкин. Албатта, бундай юксак эътибор соҳа вақилларига ҳам катта масъулият юклайди. Юртимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларнинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи ва ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилаёт-

ган замондошларимизнинг ёрқин образлари акс этган янгидан-янги асарлар яратиш йўлида театр ижодий жамоаси тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

— Бир пайтлар чакалқор бўлган ерлар 10 ой ичида бўстонга айланди. Натижада гўзалликда тенгсиз маскан — Бухоро маданий маркази қад ростлади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, Бухоро вилоят мусикали драма театри директори Шамсиддин Йўлчиев. — Театримиз нафақат замонавий кўринишда қад ростлади, балки унда ижодий янгиланишлар буй кўрсатиб, ўз оркестрига ҳам эга бўлди. Зеро, мусикали театрларни оркестрсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Оркестр бош дирижёри Машраб Қодиров ўз атрофида талантли ёшларни йиғиб олган. Биз спектакллардан ташқари улар билан концертлар ташкил қиламиз. Актёрларимиз мусикали драмалардан ариялар ижро этади. Бу томошабинларга жуда маъқул бўлаётти. Улар ўзбек миллий драматургиясининг энг юксак асарлари ҳисобланадиган “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин” каби миллий мусикали драмаларимизни сўрашяпти.

Ўтган давр ичида театримизда Абдунаби Хамронинг “Тўғон” номли драмаси 2011 йили “Сени куйлаймиш, замондош” театрлар фестивалида “Ватан жимоячилари ҳаёти яхши акс эттирилган энг яхши спектакл” номинациясида ғолиб бўлди. Театримизда одам савдоси мавзусида Азиза Сарварованинг “Халёл ва ҳақиқат”, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши ёхуд бурунги сайловлар”, адабий эмакдош Дилрайра Бозорованинг “Шарбат” драмаси, Шекспирнинг “Афиналик Тимон” асари, Ўткир Ҳошимовнинг “Умиддарахти”, Хайитмат Расуловнинг “Кизи борнинг ноли бор” асари, Нурулло Аббосхоннинг “Жайдади келин” мусикали комедияси томошабинлар эътиборига ҳавола этилиб, уларнинг олқишига сазовор бўлди.

Эски театр биносиде кўп устозлар билан ишладим. Марҳум устозлардан Ўзбекистон халқ артистлари Назоқат Нейматов, Ҳаётжон Наимов, Аҳмаджон Файзиев, санъат арбоби Аминжон Кабиров, хизмат кўрсатган артистлардан Жумагул Бобоева, Зевархон Раҳмонова, Жаъфар Гуломов, Солихон Қодировдай етакчи санъаткорлар билан ишладим. Уларнинг орзуси, хоҳиши битта эди: “Шамсиддин, томошабин қачон бизнинг кўзимизни кўради. Ахир ички ҳолатимизни, ички дунёимизни томошабинга етказиб берадиган кўз-ку” дейишарди. Уларнинг орзусига мана биз етдик. Энди бундан фақат гурурланиб, қувониб юришининг ўзи камлик қилади. Бу саҳнада халқимизнинг дардини айтадиган, янгилик етказадиган, яхши, драматик кучли асарлар саҳналаштиришининг вақти етди. Ва бу ҳаракат бошланди ҳам.

Дарҳақиқат, театр халқ ҳаётининг кўзгуси бўлиши билан бирга, идеал даражадаги янги қаҳрамонлар образини яратиш орқали уларнинг ибратли ҳаётини ёшлар руҳиятига чуқур сингдириш имконига ҳам эга. Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланиб, ҳам санъаткорлар, ҳам томошабинлар учун барча зарур шароитлар яратилган ушбу театр жамоаси бугунги кунда бу каби асарларнинг мазмун-модарижасини янада бойитиш йўлида ижодий изланишларни давом эттирмоқда.

Назира БОЙМУРОДОВА, муаллиф олган суратлар

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Олма енг, соғлом бўласиз

Олманинг фойдалилик жиҳати унинг рангига ҳам боғлиқ. Масалан, қизил ёки сариқ рангли олмани кўпчилик хуш кўради. Аммо тиббий нуқтаи назардан қаралганда кўм-кўк ва нордон олма шифобахшроқ. Кўк олма таркибиде биз юкорида қайд этган пектин моддаси мўл, қанд моддаси эса камлиги боис беназирдир.

Бу мевани турли хил касалликларда ўзига хос тайёрлаб ейиш тавсия этилади. Олма мевасининг қон ҳаракатини маромига солиши, парижохотирлик, мия ҳорғинлигини кетказиши этироф этилади. Подагра ва дизентерия касалликлариде олмали парҳезнинг фойдаси тажрибада синалган. Унинг пўстлоғи таркибиде овқатни ҳазм қилдирадиган фойдали моддалар мавжуд бўлгани боис, уни пўсти билан ейиш лозим. Семизлик, қандли диабет, қабзият касалликлариде ҳам бу мева ниҳоятда фойдали. Фақат болаларда чайнаш рефлексни тўлақонли шаклланмаганлигини назарда тутиб, уларга олманинг пўстини арчиб бериш тавсия этилади. Олмани пьуре шаклида истеъмол қилинса, меъда-ичак фаолиятини яхшилайдди. Унинг ақлини чархлашга хизмат қиладиган хусусияти кўпчилик учун қизиқарли бўлса керак. Бунинг учун 150 гр. кирғичдан ўтказилган олмага яримта апельсин шарбатини қўшиб, уни 10 дона чақилган ёнғоқ мағзи билан аралаштирилади. Ёнғоқлар ўрнига бир неча қошиқ олхўри меваси, апельсин ўрнига лимон шарбати ва унга тенг миқдорда асал аралаштириш мумкин. Мазкур аралашма кун давомиде истеъмол қилиб турилади. Олманинг данаги ҳам фойдали бўлиб, унда йод микроэлементи миқдори ниҳоятда кўп. 5-6 дона олма уруғи киши организмни бир ҳафталик йод моддаси билан таъминлай олади.



БИЛАСИЗМИ?

Хризантема — энг қадимги гул нави бўлиб, 2,5 минг йиллик тарихга эга.

Брахихитон дарахти кўринишдан бутилкага ўхшайди. У асосан Австралия қитъасида ўсади.

ТУРФА ОЛАМ

Интернет-тобеликнинг чораси топилди

ХИТОЙДА ЎСМИР ЁШЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ-ТОБЕЛИКДАН ХАЛОС ЭТИШ МАҚСАДИДА МАХСУС ОРОМГОҲЛАР ОЧИЛДИ

Мазкур оромгоҳларда ҳарбийларга хос тартиб-интизом ҳукмрон бўлади. Тарбияланувчилар кун давомиде турли хил жисмоний машқларни бажариб, интернет учун умуман вақт ажрата олмайди. Ҳаёт муаллифининг таъкидлашича, ҳарбийча ҳаёт ёш хитойликларни нафақат интернет-тобеликдан халос этади, балки уларни масъулиятли бўлишга ҳам ўргатади. Оромгоҳнинг яна бир шарти шуки, тарбияланувчилар мураббийларнинг барча буйруқларига сўзсиз амал қилишлари лозим. Акс ҳолда, қулқосизлик қилгани учун бутун гуруҳ жазога тортилади. Хордик онларида эса ёшлар хитой миллий рақсларини истаганча ўрганишлари мумкин. Айни дамда мамлакатда шунга ўхшаш оромгоҳларнинг 250 таси очилиш арафасида.



Бўйнинг аҳамияти бор...ми?

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР БЎЙНИНГ ЭРКАК ВА АЁЛ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШДИ.

Синчков тадқиқотчиларнинг аниқлашича, жуфтнинг бўйи эркакларга қараганда кўпроқ аёллар учун аҳамиятлроқ бўлиб чиққан. Қадимий замонларда ҳам аксарият аёллар жуфтнинг бўйи ўзидан анча бандроқ бўлишни истаган. Замонавий аёлларга эса банд пошнали туфлидан воз кечиш малол. Шу боисданми, улар паст бўйли эркаклардан нарироқ юришни маъқул кўришади. Яна аёлларнинг фикрича, эркак аёлидан 20 см. бандроқ бўлиши, аёл эса эридан 8-10 см. пастроқ бўлиши керак. Шунде инобатга олган олимлар жуфтликлар ўртасидаги идеал бўй кўрсаткичларини аниқлаб чиқишди. Унга кўра, аёлларнинг бўйи 173 см., эркакларники эса 188 см. атрофида этиб белгиланди. Аслини олганда, бахтли бўлиш учун бўйнинг унчалик аҳамияти йўқлиги аён ҳақиқат. Шунга қарамай, биз инсонлар учун ҳамма нарсга қизиқ, айниқса, гап бахт ҳақида кетганда.

3.ЗОИРХОНОВ тайёрлади

Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси томонидан 2003 йил 11 декабрь № 000103 рақамли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган МЧЖ «МАТБУОТ MARKET» (ИНН 204743056) 14.07.2014 йил таъсисчиларнинг 1-сонли баённомаси билан ўз фаолиятини тугатганлигини маълум қилади. Даъво аризалари икки ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўча 2-уй. Мурожаат учун телефон: 234-87-73

Турсунова Сайёра Бурхоновага 1993 йилда берилган ВУ 192061 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.